

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ХАРИД ТИЗИМИДА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТАШКИЛОТ ВА ЭКСПЕРТЛАРНИ ЖАЛБ  
ҚИЛИШНИНГ ЗАРУРИЯТИ**

***Акрам Маматов, Фаррухжон Нарзуллаев***

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети СБИ- 84 гурӯҳ талабалари*

**Аннотация:** мазкур мақолада тижорат банкларида давлат харидларини ташкил этишда ихтисослаштирилган ташкилот ва эксперталарни жалб қилишнинг зарурияти, механизми ва аҳамияти ёритилган.

**Калит сўзлар:** ихтисослашган ташкилот, эксперт, эксперт ташкилоти, уларга қўйилган талаблар.

Ихтисослашган ташкилот давлат буюртмачисининг топшириғига қўра товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат харидларини амалга оширишни ташкил этиш бўйича шартномага асосан пулли асосда хизматлар кўрсатиш ҳукуқига эга бўлган юридик шахсдир.

Тижорат банклари харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказишни ташкил этиш мақсадида ихтисослашган ташкилотни жалб қилишга ҳақли. Шартноманинг муҳим шартларини белгилаш ва шартномани имзолаш фақат давлат буюртмачиси томонидан амалга оширилади. Ихтисослашган ташкилотни жалб қилишдавлат харидлари тўғриисдаги Қонунда белгиланган талаблар ва мезонлар асосида давлат буюртмачиси томонидан амалга оширилади.

Ихтисослашган ташкилотлар давлат харидларини ўтказишни ташкил этиш бўйича хизматлар кўрсатиш учун қуидаги талабларга мувофиқ бўлиши керак:

- юридик шахс мақомига эга бўлиши;
- ихтисослашган ташкилотнинг муассислари орасида давлат харидининг бошқа субъектлари бўлмаслиги;
- давлат харидларини ўтказишни ташкил этиш билан боғлиқ хизматларни кўрсатиш бўйича амалий тажрибага эга бўлган бир нафардан кам бўлмаган ходимга эга бўлиши;
- маҳсус ахборот порталига уланиш имконини таъминловчи дастурий-техник воситаларга эга бўлиши.

Ихтисослашган ташкилот давлат буюртмачисидан харид тартиб-таомилларини ўтказишни ташкил этиш бўйича хизматлар кўрсатиш учун зарур ахборотни олиш ҳукуқига эга, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Ихтисослашган ташкилот давлат буюртмачисининг талабига биноан харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказишни ташкил этишининг исталган босқичида амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот тақдим этиши, давлат харидларининг асосий принциплариiga риоя этган ҳолда хизматлар кўрсатиши; давлат харидлари соҳасидаги ваколатли органнинг, Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг сўровига кўра давлат харидлари тўғрисидаги Қонунга ва бошқа қонунчилик хужжатларига риоя этилиши тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши; харид қилиш тартиб-таомилларининг инсофсиз иштирокчиларнинг давлат харидларида иштирок этишига йўл қўймаслик бўйича чоралар кўриши; ҳар бир давлат хариди учун харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказишни ташкил этиш учун масъул бўлган шахсни белгилаши; харид қилиш тартиб-таомилларини ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик хужжатлари талаблари асосида ташкил этиши шарт.

Ихтисослашган ташкилот товарнинг (ишнинг, хизматнинг) бошланғич нархини аниқлайди, маркетинг тадқиқотларини ва бошқа тадқиқотларни ўтказади; реклама ишларини ташкил этади; харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш тўғрисидаги хабарномалар, эълонлар матнларини, харид қилиш хужжатларини расмийлаштиради; харид қилиш тартиб-таомиллари талаблари, шартлари ва улар бўйича тушунтиришлар матнларини қонунчиликка мувофиқ тайёрлайди; давлат буюртмачисига харид қилиш тартиб-таомилининг турини таклиф қиласди; давлат буюртмачисининг ёзма мурожаатига кўра давлат харидларининг тартиби ва муддатлари тўғрисидаги ахборотни давлат харидларининг электрон тизимига ва маҳсус ахборот порталига қонунчиликка мувофиқ жойлаштиради; ғолиблар билан имзоланадиган шартномалар лойиҳаларини тайёрлайди; давлат буюртмачисининг ёзма топшириғига кўра бўлажак давлат харидлари тўғрисидаги эълонларни фақат молиялаштириш манбалари мавжудлиги тасдиқланган тақдирда, жойлаштиради, давлат буюртмачисининг ёзма топшириғига кўра харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилариiga ўз таклифларининг амал қилиш муддатини муайян муддатга узайтириш тўғрисидаги таклиф билан мурожаат қиласди; харид комиссияси мажлисларининг баённомаларини расмийлаштиради; харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш якунлари бўйича ҳисботлар тузади; харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиш учун таклифномалар юборилишини таъминлайди.

Ихтисослашган ташкилот ёки унинг аффилланган шахси ўзи ташкилотчи бўлган харид қилиш тартиб-таомилида харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси сифатида қатнашиши мумкин эмас.

Тижорат банклари ихтисослашган ташкилотни ушбу моддада белгиланган талабларга мувофиқ жалб этиш учун жавобгардир.

Давлат харидларининг амалга оширилиши чоғида ихтисослашган ташкилот томонидан давлат харидлари тўғрисидаги Қонун ва бошқа қонунчилик хужжатлари талаблари бузилган ҳолларда жавобгарлик давлат буюртмачиси ва ихтисослашган ташкилот зиммасига юклатилади.

Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида маслаҳат ва (ёки) таклифларни кўриб чиқиш, баҳолаш ҳамда таққослаш бўйича хulosса олиш учун эксперталар ёки эксперт ташкилотлари тегишли шартнома асосида жалб этилиши, шу жумладан текин асосда жалб этилиши мумкин.

Эксперт маслаҳат хизматларини қўрсатиш ва (ёки) хulosса бериш учун давлат харидлари предмети билан боғлиқ соҳада маҳсус билимларга эга бўлган жисмоний шахсдир. Эксперт ташкилоти ходимлари маслаҳат хизматларини қўрсатиш ва (ёки) хulosса бериш учун давлат харидлари предмети билан боғлиқ соҳада маҳсус билимларга эга бўлган юридик шахсдир. Эксперт, эксперт ташкилоти хизматларни давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этган ҳолда қўрсатиши шарт.

#### **Фойдаланилган адабиё тлар рўйхати:**

1. Ваҳобов А, Маликов Т. Молия: умумназарий масалалар. Ўқув қўлланма. Тошкент, "Iqtisod-moliya. 2008.
2. TS Malikov, O Olimjonov. Moliya - O 'quv qo 'llanma. T.: "Iqtisod-moliya, 2012
3. Ваҳобов АВ, Маликов ТС. Молия. Дарслик/Тошкент Молия институти. Тошкент: "Шарқ. 2010;804.
4. Malikov T, Haydarov N. Budget daromadlari va xarajatlari. O 'quv qo 'llanma, Toshkent: "IQTISOD-MOLIYA. 2007.
5. Malikov T, Byudjet HN. O 'quv qo 'llanma. Toshkent: "Iqtisod-moliya. 2008;84.
6. У Уроков, Ф Сулаймонов. Значение электронного обмена информацией в деятельности хозяйствующих субъектов и вопросы его совершенствования. Экономика и инновационные технологии, 2014
7. Urokov UY. QR Chinkulov Legal basis of improvement of public procurement in Uzbekistan.". International Finance and Accounting" magazine. 2017(8).
8. У Уроков, УШ Ўғли. Ҳадли келишув тартиб-таомили орқали давлат харидларини амалга ошириш тартиби.- Science and Education, 2023
9. U Urokov. THE IMPORTANCE OF PROCUREMENT MODELS IN THE EFFECTIVE ORGANIZATION OF PUBLIC PROCUREMENT.- IMRAS, 2023
- 10.Uchkun Urokov. PECULIARITIES OF IMPLEMENTATION OF PUBLIC PROCUREMENT IN UZBEKISTAN THROUGH THE AGREEMENT PROCEDURE.JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT. 2023

- 11.N Tashmatova, U O'roqov. XALQARO TASHKILOTLAR VA DAVLAT XARIDLARINI TARTIBGA SOLISH: OSHKORALIK VA SAMARADORLIKKA YO 'LI.- Talqin va tadqiqotlar, 2023
- 12.Zarnigorxon Fazliddin qizi Nuritdinova, Uchqun Yunusovich O'roqov. DAVLAT XARIDLARINI AMALGA OSHIRISHDA JANUBIY KOREYA TAJRIBASI VA YASHIL DAVLAT XARIDLARINING TUTGAN O 'RNI. - SCHOLAR, 2023
- 13.Уроков УЮ. Чинкулов^ Р. Узбекистонда давлат харидларининг такомиллашувининг хукукий асослари.«Халкаро молия ва хисоб» журнали. 2017.
- 14.Urovov UY, Shodmonov E, Bobobekova D. Government procurement management. T.-2022.
- 15.Urovov UY. Issues of improving the public procurement system in Uzbekistan. TMI, December. 2014;13.
- 16.Urovov UY. Issues of increasing the volume of electronic purchases in the state procurement system. TMI, May. 2021;20.
- 17.Urovov UY. Public procurement system: yesterday and today.". Market, money and credit" magazine. 2018(8).
- 18.Ўроқов У. Улугбек Шарипжон Ўғли. Ҳадли келишув тартиб-таомили орқали давлат харидларини амалга ошириш тартиби. Science and Education. 2023.
- 19.O'roqov UY. Davlat xaridi. O'quv qo'llanma. T.:«Nihol print» OK. 2022.
- 20.Ўроқов У. Ўзбекистонда давлат харидлари тизимини такомиллаштириш масалалари. 2014
- 21.Ўроқов У. Давлат харидлари тизимида электрон харидлар ҳажмини ошириш масалалари.“. InЗамонавий молиянинг миллий ва халқаро долзарб масалалари”. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. ТМИ 2021.
- 22.Уроков УЮ, Чинкулов КР. Узбекистонда давлат харидларининг такомиллашувининг хукукий асослари.«. Халкаро молия ва хисоб» журнали. 2017.
- 23.Хайдаров Н. Иктисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. Иктисад фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. 2003.
- 24.Т Маликов, Н Хайдаров. Давлат бюджети. - Т.:“IQTISOD-MOLIYA, 2007
- 25.N Khaydarov. International experience of the development of tourism in Uzbekistan. - Интеграция. Эволюция. Устойчивость: пути ..., 2021
- 26.